Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 12 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 138 (13.201)

Баҳоси эркин нархда

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Азим Тошкентимизнинг ям-яшил хиёбону майдонлари, боғ-роғлари, кенг ва озода кўчалари, қадимий ёдгорликлари ва маҳобатли иншоотлари юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор уйғотса, хорижлик сайёҳларнинг ҳавасини келтирмоқда.

ҲАМИША НАВҚИРОН ВА ГЎЗАЛ ТОШКЕНТ

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, янги иншоотлар, муҳташам маданият ва спорт саройлари, равон йўллар, боғ ва хиёбонлар барпо этилди.

– Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш, пойтахтликлар ва меҳмонлар учун янада қулай шароит яратишнинг муҳим шартларидан биридир, – дейди Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С.Аглаев.

Тошкентда кенг тармоқли замонавий инфратузилма барпо этилган бўлиб, кўплаб маданият ва истироҳат объектлари фаолият кўрсатмоқда. Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журналининг баҳосига кўра, Ўзбекистон пойтахти дунёдаги яшаш учун энг қулай бўлган 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани ҳам бунинг далилидир. Экспертлар Тошкентни аҳолининг сифатли билим олиши учун яратилган шароитлар бўйича юқори баҳолаган. Шунингдек, пойтахтимиз транспорт ва коммуникация инфратузилмасини сифатли ривожлантириш борасида дунёнинг етакчи 50 йирик шаҳарлари қаторидан ўрин олган.

Бундан ташқари, шаҳримизда яшил майдонларни кўпайтириш, ҳавонинг тозалиги ва табиий дам олиш масканларига яқинлик каби мезонларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Пойтахтимизда бир кишига дарахт, бута ва гуллар экилган қарийб 69 квадрат метр майдон тўғри келади. Сўнгги 10 йилда 40 гектар майдонда бир қанча янги истироҳат боғлари барпо этилди, 7,5 гектар асфальт қопланган жойлар шаҳарликлар дам олиши учун мўлжалланган гулзор ва майсазорга айлантирилди. Яшил майдонлардан иборат ҳудудлар 15,2 минг гектарга етди ва бу шаҳар жами майдонининг 35 фоизини ташкил этади. Сўнгги йилларда пойтахтимизда бир кишига тўғри келадиган яшил майдон 22 квадрат метрга кенгайди.

Тошкентда 220 дан ортиқ турдаги дарахт ва бута ўсимликлари мавжуд. Улар орасида арча, эман, каштан, қайрағоч, шумтол, заранг, япон сафораси каби дарахтлар кенг тарқалган. Шаҳримиз боғларини найзабаргли заранг дарахти, лола дарахти, йирик гулли магнолия, қоғоз дарахти, гинкго, қарағай, жўка, шамшод, сарв ва бошқа манзарали дарахтлар безаб туради.

Бугунги кунда пойтахтимизда яшил майдонларни сунъий суғориш учун мўлжалланган қувурлар тизимининг узунлиги 1320 километрдан ошади. Махсус суғориш ускуналарини таъмирлаш ва сақлаш ихтисослаштирилган бошқармаси ушбу тизимнинг ишлаши ва узлуксиз сув етказиб беришини таъминлайди. Бошқарма ходимлари 73 насос станцияси ва 95 сув чиқариш қудуғига хизмат кўрсатади.

(Давоми 2-бетда)

"ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭРИШГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНИШГА ҲАМДА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАШГА ҲАҚЛИДИР"

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари халқимизни тобора яқинлашиб келаётган қутлуғ сана билан табриклашмоқда.

Масалан, **Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) Сайёҳлик кўмитасининг раиси Хайке Бремер** ўзининг самимий тилакларини изҳор этар экан, қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишларда икки томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

— Икки йил бурун БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг Самарқандда бўлиб ўтган 99-сессияси мажлисида иштирок этиш учун Ўзбекистонга борган эдим. Ушбу ташриф менда сира унутилмас таассуротлар қолдирди. Чунки кўҳна меъморий ёдгорликлар, шаҳарнинг замонавий қиёфаси, мамлакат табиатининг гўзаллиги ва ўзбек халқининг меҳмондўстлиги мени ҳайратга солган эди.

— Шундай бой салоҳиятга эга бўлган, яъни сайёҳларга турли-туман — маданий, экологик, табобат сайёҳлиги ҳамда туризмнинг бошқа хизматларини таклиф этаётган Ўзбекистон оммабоп ва машҳур сайёҳлик йўналиши сифатида ажойиб истиқболга эга мамлакатдир, деб ўйлайман.

— Дарҳақиқат, сайёҳлик муҳим иқтисодий омиллардан бири бўлиб қолмасдан, халқлар ўртасида бир-бирини тўғри тушуниш ишига ҳам салмоқли ҳисса қўшади. У, шунингдек, одамлар онгини кенгайтиришга ҳамда хурофот ва бидъатларни бартараф этишга ҳам кўмаклашади.Ўйлайманки, ҳар бир сайёҳ маданиятлар алмашувига ҳамда халқларни бир-бирига яқинлаштиришга ўзининг муайян ҳиссасини қўшади. Сайёҳлик одамлар ўртасига кўприк қуради, тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

— Мен БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг "Ипак йўлида сайёҳлик" дастурида республика фаол иштирок этаётганини табриклайман. Бу хорижлик сайёҳатчиларнинг, жумладан, немис сайёҳларининг Ўзбекистондаги кўҳна шаҳарлар бағрида жойлашган диққатга сазовор масканларга бўлган қизиқишларини янада орттиришга кўмаклашади.

— Сўнгги 25 йил давомида Ўзбекистон тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворини қўйди, мамлакатда тинчлик ҳамда осойишталик таъминланмоқда. Ўйлайманки, бу республиканинг мустақиллик йилларидаги энг асосий муваффақияти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ўзбек халқи ўзи эришган муваффақиятлар билан фахрланишга ҳамда келажакка ишонч билан қарашга ҳақлидир.

— Мен ушбу фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни мустақилликнинг юбилей санаси билан чин дилдан қутлайман. Шу билан бирга, демократик ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлидан бораётган Ўзбекистонни Германия бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини қайд этишни истар эдим.

"Жаҳон" АА.
Берлин

Пойтахтимизда "Парламент назорати – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ҳамда давлат дастурлари ижросини таъминлашда самарали механизм сифатида" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, эколог олимлар, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда жамоатчилик назоратига кенг ўрин берилаётгани, хусусан, бу атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда ҳам муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунида экологик назоратни амалга ошириш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги мониторинги соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли белгилаб берилган. Қонунга мувофиқ, давлат ташкилотлари билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар экологик назорат жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Шу асосда олиб борилаётган ишлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги мавжуд муаммолар ечимини топиш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Тадбирни ўтказишдан мақсад – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, бу борада ҳамкор ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, соҳадаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва чек қўйишдан иборат, – дейди ЎзА мухбирига Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котибиятининг катта референти Анвар Яшнарбеков. – Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди.

Семинарда экологик назорат соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, атроф-муҳит муҳофазаси борасида қонун талаблари бажарилиши ва ушбу йўналишдаги давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан парламент назорати, жамоатчилик назорати ҳамда ижтимоий шериклик институтларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида жамоатчилик иштирокини, экологик назоратнинг жамоатчи инспектори фаоллигини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

А.ҚИЁСОВА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган танловда 50 га яқин иштирокчи истеъдод ва ижро маҳоратини намойиш этди.

● Наманган шаҳрида "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзуида II Республика ёш тадбиркорлар бизнес форумининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Жиззах вилояти Янгиобод туманида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди.

● Қарши шаҳридаги "Темур лидер юксалмаш" хусусий корхонасида маҳаллий хом ашёдан шпатлёвка, гипсли сувоқ ва махсус елим ишлаб чиқаришга киришилди. Бу ерда ҳозирда кунига 15 тоннагача ана шундай қурилиш материаллари тайёрланмоқда.

● Наманганда шахмат ва шашка бўйича "Биз ақл-идрокли оилалармиз" спорт мусобақасининг ҳудудий финал босқичи бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига бағишлаб "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, оилаларда маънавий-ижтимоий муҳитни янада яхшилаш, соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

ЖАҲОНДА

● ОПЕК ташкилотига аъзо давлатларда нефть қазиб чиқариш бўйича 2008 йилдан буён энг юқори кўрсаткич қайд этилди.

● Кеча Мичигандаги суд идорасида амалга оширилган отишма чоғида икки нафар суд ходими ҳалок бўлди, битта полициячи жабрланди.

● Мексика шимолида жангарилар бир гуруҳ ҳарбийларга ҳужум уюштиришди.

● Фёдор Конюхов ҳаво шарида бутун жаҳон бўйлаб саёҳатини бошлади.

● Буюк Британиянинг Кариб денгизидаги мулки ҳисобланмиш Кайман ороллари расмийлари Зика, денге ва чикунгунья вирусларига қарши курашиш учун ирсий ўзгартирилган чивинларни озодликка чиқаришга қарор қилди. Мазкур услуб моҳияти дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатида Зика вирусини тарқатаётган "Aedes aegypti" туридаги чивинларнинг миллионлаб эркак мутантларини озодликка чиқаришдан иборат. Улар чақмайди ва келгусида кўпайишга қодир бўлмаган насл қолдиради.







ҲАМИША НАВҚИРОН ВА ГЎЗАЛ ТОШКЕНТ







(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, қарийб 100 насос сизот сув миқдорини камайтириш имконини бераётир. Бу айниқса, сизот сув сатҳи юқори бўлган Сергели тумани учун ниҳоятда муҳим. Пойтахтимиздаги 100 дан зиёд канал ҳар йили тозаланиб, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Амир Темур хиёбони шаҳарликларнинг энг севимли масканларидан биридир. Бу ердаги сунъий суғориш тизими пухта ўйлангани боис хиёбондаги гулзор ва майсазорлар ёзнинг жазирама кунларида ҳам ям-яшил бўлиб туради.

– Ҳар куни ишдан сўнг оилам билан шу ерда сайр қиламиз, – дейди ЎзА мухбирига Феруза Шоева. – Ушбу сўлим гўшада фавворадан отилиб чиқаётган сувнинг жозибали товушини эшитиш, тоза ҳаводан тўйиб нафас олиш, атрофдаги яшиллик ва маҳобатли архитектура ёдгорликларини томоша қилиш ўзгача кайфият бағишлайди.

Тузилишига кўра хилма-хил бўлган фавворалар пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Тошкент фонтанлари" давлат унитар корхонаси маълумотларига кўра, пойтахтимизда 50 дан ортиқ фаввора бўлиб, уларнинг 15 таси сувни мусиқага ҳамоҳанг тарзда ҳаракатга келтирадиган замонавий иллюминация ва бошқа ускуналар билан жиҳозланган. Катталиги бўйича бир-биридан унчалик фарқ қилмайдиган ушбу гўзал фавворалар меъморчилик усуллари, миллий анъана ва замонавий технологияларни ўзида мужассам этган. Сўнгги беш йилда Тошкент шаҳрида бундай фавворалар барпо этиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Уларни монтаж қилиш ва қайта тиклашда замонавий гидроизоляция материаллари, композицион қурилиш аралашмаларидан фойдаланилмоқда. Улардаги кўплаб насослар эса энергия тежайдиган замонавийлари билан алмаштирилди, бунинг самарасида уларнинг ишлаш муддати анча узайтирилди.

Кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарга шакл бериш шаҳарнинг экологик ҳолати ва ташқи қиёфасига ижобий таъсир кўрсатиб, янада қулай микроиқлим, санитария-гигиена ва эстетик шароит яратади. Ўтган йили Тошкентда турли навдаги 313 мингдан зиёд дарахт ва буталар экилди. Уларни экишда эстетик ва санитария талабларига риоя қилинди, ландшафт дизайни принциплари қўлланилди. Кўкаламзорлаштириш ишларини режалаштириш жараёнида нафақат дарахтлар хусусияти, балки уларнинг гуллаш вақти ҳам ҳисобга олинади ва бу кишида катта таассурот қолдирадиган композицияни яратиш имконини беради.

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасида ташкил этилган ландшафт дизайни бўлими яшил майдонларни режалаштиришга ландшафт дизайни принципларини жорий этиш билан шуғулланади. Пойтахтимизнинг ўзига хос диққатга сазовор жойига айланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи бундай ишлар самарадорлигининг ёрқин тасдиғидир.

– Ўттиз йилдан буён ландшафт дизайни, флористика ва ботаника билан шуғулланаман, – дейди Хельга Штанмайер (Германия). – Аммо, Ботаника боғи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мени ҳайратга солди. Негаки, очиқ осмон остида ўсадиган хилма-хил дарахт ва буталарни камдан-кам жойларда учратганман. Шу билан бирга, бу борада барча зарур талабларга риоя этилгани ўзига хос табиий муҳит яратишга хизмат қилган.

Мухтасар айтганда, Тошкент шаҳрини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш атроф-муҳитни асраб-авайлаш, соғломлаштириш баробарида инсонларнинг руҳий-физиологик кайфиятига ижобий таъсир кўрсатадиган муҳитни яратиш имконини беради.

Р.БОНДАРЧУК

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан "Бизнес ва инсон ҳуқуқлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Германиянинг Ф.Эберт номидаги фонди ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

БИЗНЕС ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқшунос олимлар, таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари белгиланган ҳамда кенг кўламдаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилингани йиғилишда таъкидланди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жиддий равишда соддалаштирилди ва шаффоф ҳолга келтирилди. Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат органларининг аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2015 йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ролини иқтисодиётда мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қонунлар қабул қилиш долзарб масала эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда мамлакатимизда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ва бошқа бир қанча қонунларнинг қабул қилингани бунинг ёрқин ифодасидир.

Давра суҳбати иштирокчилари тарафидан давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор вакилларининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш мақсадида асосий вазирликлар ва идоралар, суд ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига тааллуқли тегишли хулоса ва тавсиялар қабул қилинди.

"Туркистон-пресс"

ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТ — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Алоқа тарихи музейида Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг янги факультети очилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу олий ўқув юрти бугун ёшларнинг замонавий билим олиши ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликларга эга бўлишида муҳим ўрин тутмоқда. Жорий йилда ташкил этилган янги логистика факультети бунинг ёрқин тасдиғидир.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ректори Ш.Шерматовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда транспорт инфратузилмаси жадал ривожланиб, халқаро савдо муносабатларининг кенгайиб бораётгани логистика мутахассисларини кўпайтиришни тақозо этмоқда. Янги факультет битирувчилари логистикани бошқариш бўйича ахборот тизимларини яратиш ва соҳага татбиқ этиш, логистика компанияларини ташкил этиш ва бошқаришга доир кенг кўламли билимларга эга бўлади.

Анжуманда айни пайтда логистика факультети талабалари учун ўтиладиган мажбурий ва қўшимча ўқув курслари рўйхати ишлаб чиқилгани таъкидланди. Талабалар ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ва логистика бўйича ўз билимини бойитади. Ўқув дастурлари халқаро логистика, етказиб беришни бошқариш тизими, юк ташиш, ҳаво ва темир йўл транспортини бошқариш тизими, бизнес жараёнларини бошқариш, ресурсларни режалаштириш ҳамда бошқариш тизими ва бошқа модулларга асосланади.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини қабул қилиш ва улар билан ишлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Рухсора Раҳматованинг айтишича, логистика факультетига 80 талабани қабул қилиш режалаштирилмоқда. Факультетда ўқиш учун математика фанидан имтиҳонни муваффақиятли топшириш ва камида 6 баллик IELTS ёки 75 баллик TOEFL сертификатига эга бўлиш лозим. Кириш имтиҳонлари якунлари бўйича энг яхши беш талаба дастлабки ўқув йилининг биринчи семестрида ўқиш учун тўловдан 100 ёки 50 фоиз озод этилади. Бундай имконият ўқув жараёнида энг юксак натижаларга эришган 5 талабага иккинчи семестрда ҳам тақдим этилади. Бундан ташқари, талабалар манфаатдор ташкилотларнинг мақсадли грантларини олиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Яна шуни қайд этиш керакки, 2016 йилнинг июнь ойидан Тошкент шаҳридаги Инҳа университети TOEFL iBT тестларининг сертификатланган маъмурий марказига (CTAS – Certified Test Administration Site) айланди ва бу абитуриентларга инглиз тили бўйича TOEFL iBT тестларини шу ернинг ўзида топшириш имконини беради.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"ЖАМИЯТ ВА МЕН"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун **"Жамият ва мен"** танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов йўналишлари:

— ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

— иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

— тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

— сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;

— илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;

— спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;

— ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;

— жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

Махсус номинациялар:

— "Ўз даврининг қаҳрамони" мавзусида энг яхши мақола;

— "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябригача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- *тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;*
- *мавзуни ёритишда асослилик ва ўзига хослик;*
- *материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;*
- *аниқ ва ишончли маълумот.*

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун: (371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида"** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари:

Танловга 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фотоматериаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танлов ғолибларига мукофотлар:

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзуидаги ижодий танловга деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2016 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz.

Ташкилий қўмита

Анжуманлар

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш, юртимизда етук ва жисмоний соғлом авлод камолга етишини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, бугунги мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида барча шарт-шароитларни яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази аҳамияти ва бугунги кунда ушбу даволаш муассасаларида энг мураккаб амалиётлар муваффақиятли ўтказилаётганлиги" тўғрисидаги матбуот анжуманида ҳам шошилинч тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник базаси яхшиланиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари ҳам такомиллашиб бораётганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоёров, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори А.Ҳожибоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ташкил этилган шошилинч тиббий ёрдам хизмати соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишда, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда, Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, унинг вилоят бўлимлари, бир юз етмишдан зиёд субфилиаллари, "103" тез тиббий ёрдам ва санитар авиация хизмати фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш йўлида туну кун узлуксиз фаолият олиб бормоқда.

Тез тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш мақсадида мазкур тизим кейинги беш йил ичида 400 та махсус транспорт воситалари билан таъминланди.

Мазкур тиббий ёрдам илмий маркази олимлари ва шифокорлари томонидан ҳудудларда маҳорат дарслари ташкил этилмоқда.

Тадбирлар жараёнида малакали тиббий ёрдамга муҳтож беморлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Жойлардаги клиникаларда кўргазмали жарроҳлик операциялари намойиш этилиб, янги диагностика ва даволаш усуллари ҳудудий тиббиёт муассасалари амалиётига жорий этилмоқда.

Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази 29 та клиник бўлимларга эга. Бу ерда йилига 140 мингдан ортиқ беморларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами йилдан йилга кенгайиб бормоқда.

Зеро бу аҳолига ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиши давлатимизнинг доимий эътибор марказидаги масала бўлиб қолади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Бахтиёр ҲАЙИТОВ



Мамлакатимизда ёшларнинг салоҳиятини оширишга эътибор қаратилмоқда

ЮРТИМИЗНИНГ БАХТИЁР ЁШЛАРИ

Тошкент архитектура қурилиш институти мамлакатимизда иқтисодиёт соҳаларига қурувчи-муҳандислар тайёрловчи етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Юртимиздаги барча бунёдкорлик ишларида олий таълим маскани битирувчилари камарбаста бўлиб келмоқда.

Тошкент архитектура қурилиш институтида мутахассислар тайёрлаш борасида яратилаётган шароитлар ва абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш тартибига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам айни шулар хусусида сўз борди.

Ўқув муассасасида абитуриентлар учун шароит ва қулайликлар яратиш борасида самарали ишлар олиб борилган. Президентимизнинг шу йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори ушбу жараённи такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

– Ҳар қандай касб эгаси билим, кўникма ва малакани чуқур эгаллаш натижасида шаклланиб камол топади. Албатта машаққатли меҳнат, изланишлар ва мустаҳкам ирода бу йўлда ҳамроҳ бўлади. Пойтахтимиз кўчаларида қад ростлаган янгидан-янги, ҳашаматли, маҳобатли, осмонўпар гўзал бинолар ушбу тинимсиз изланишлар ва сермаҳсул меҳнат эвазига эришилган архитектуравий ечим ҳисобланади, – дейди Тошкент архитектура қурилиш институти ректори Равшан Ҳакимов. – Соҳада кадрлар тайёрлаш салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида соҳа мутахассислари томонидан яратилган лойиҳалар нафақат республикамизда, балки чет мамлакатларда ҳам эътироф қозониб келмоқда. Абитуриентлар ва уларнинг яқинлари учун ҳам юқори савиядаги шарт-шароитлар яратилди. Ушбу эзгу мақсадларни инобатга олган ҳолда яқинда капитал таъмирдан чиққан институтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 1-сонли талабалар турар жойида қабул комиссияси иши ташкил этилди. Ушбу масканда ҳам талабалар ва уларнинг ота-оналари учун зарур имкониятлар жамулжам.

Тошкент архитектура қурилиш институтига 2016-2017 ўқув йили учун бакалавр таълимининг 16 йўналиши бўйича 890 нафар, магистратуранинг 19 мутахассислиги бўйича 93 нафар қабул квотаси белгиланган. Бино ва иншоотлар, архитектура, дизайн, геодезия, картография ва кадастр таълими йўналишларига ҳужжат топширувчи абитуриентлар сони кундан-кунга кўпаймоқда.

Қабул жараёнини талаб даражасида ўтказиш учун институт биноларидан ташқари 7 та бино, яъни Шайхонтоҳур ва Олмазор туманларидаги бешта умумтаълим мактаби ва иккита касб-ҳунар коллежлари тест синовларига тайёрланмоқда. Институт қабул жараёни ташкил этилган бинода биринчи август куни тест синовлари бўлиб ўтадиган биноларнинг махсус карталари, ушбу бинолар атрофидан ўтувчи транспорт воситаларининг йўналишлари кўрсатиб чизилган баннерлар мавжуд.

Жумладан, касбий имтиҳонлар ўтиш жойлари, қайси фанлардан бўлиши ва ушбу йўналишдаги консультация жойлари, ўтиш вақти ва аудиториялар аниқ қайд этиб кўрсатилган.

– Институтда яратилган шароитлар, аввало вақтни тежаш имконини беради, – дейди абитуриент Наргиза Азизова. – Қабул комиссияси аъзолари тушунмаган ҳар бир саволимизга тўлиқ жавоб беришмоқда, мазкур ўқув даргоҳининг талабаси бўлиб, келажакда моҳир дизайн устаси бўлиб етишиш олий мақсадим.

Дарҳақиқат, институтда қабул жараёни юқори савияда ташкил этилган бўлиб, унда абитуриентлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бўлажак талабаларга орзу-ниятлари, эзгу мақсадлари йўлида омадлар тилаб қоламиз

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Учтепа туманидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида таълим муассасаларидаги ошхоналарни ижарага бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги **"Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 132-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ўртасида таълим муассасаларига хизмат кўрсатиш бўйича тендер-танловларида иштирок этувчи аризалари Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, ҳужжатлар талабгорлар томонидан муҳрланган конвертларда танлов комиссиясига тақдим этилади:

умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

махсус, моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

Талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танловга оид қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, телефон: 252-77-81, 252-23-17

Учтепа туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили	Телефон рақами
1	Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи	Учтепа тумани, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 61а-уй	271-68-49
2	Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи	Учтепа тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 485-уй	247-79-32
3	Тошкент юридик коллежи	Учтепа тумани, 12-мавзе, 67 а-уй	275-77-01
4	Тошкент иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи	Учтепа тумани, Ўрикзор даҳаси, Ҳалқа йўли, 9-уй	247-51-56
5	Республика дизайн коллежи	Учтепа тумани, 26-мавзе, Ширин кўчаси,1-а уй	272-88-13
6	Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейи	Учтепа тумани, 11-мавзе, Мақсуд Шайхзода, 61-уй	276-86-78
7	Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги Учтепа академик лицейи	Учтепа тумани, 31- мавзе, 295-мактабнинг ёнида	270-67-20
8	Тошкент солиқ коллежи	Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 3-уй	274-42-69

Яшнобод туманидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида таълим муассасаларидаги ошхоналарни ижарага бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги **"Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 132-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ўртасида таълим муассасаларига хизмат кўрсатиш бўйича тендер танловларида иштирок этувчи аризалари Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, ҳужжатлар талабгорлар томонидан муҳрланган конвертларда танлов комиссиясига тақдим этилади:

Умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

Махсус, моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

Бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

Талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

Талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танловга оид қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, телефон: 252-77-81, 252-23-17

Яшнобод туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили	Телефон рақами
1	Яшнобод политехника касб-ҳунар коллежи	Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 331-уй	296-49-64
2	Яшнобод қурилиш касб-ҳунар коллежи	Яшнобод тумани, Слоним, 113-уй	294-08-94
3	Яшнобод темир йўл касб-ҳунар коллежи	Яшнобод тумани, Слоним, 113-уй	294-42-43
4	Яшнобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи	Яшнобод тумани, Оқ дарё кўчаси, 122-уй	299-85-47
5	Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежи	Яшнобод тумани, Тараққиёт 2-тор кўчаси, 1-уй	289-40-30
6	Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицейи	Яшнобод тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 217-уй	269-39-90
7	Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицейи	Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 101 А-уй	295-89-52
8	Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи	Яшнобод тумани, Темирчи кўчаси, 53-уй	294-77-38

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 30.10.2015 йилдаги 10-1508/19188-сонли ижро варақасига асосан I. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Порлоқ кўчаси, 4-уйда сақланаётган "VolvoFH124X2T" русумли, бошланғич баҳоси – 57 000 000 сўм, д/р 90 130 КАА бўлган, 1998 йил и/ч, ранги оқ, техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. II. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, К.Қозиробод кўчасида жойлашган "Автомотоҳаваскор"МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, "Нексия Сонс" русумли, бошланғич баҳоси – 22 500 000 сўм, д/р 01 620 TTD бўлган, 2014 йил и/ч, ранги (молочно-бежевый), техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 29 июль соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 27 июль соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

Сергели тумани ТСРЎ инспекцияси томонидан 06.05.2004 йилда №000166-06 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, ҳозирда М.Улуғбек ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча маркази" томонидан 28.06.2016 йилда қайта рўйхатдан ўтган "MOS BIZNES" МЧЖ (ИНН 205037901)

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99890 992-24-42.

"PERFECTFOODLAB" масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) ИНН, 304025510 жамият устав фондининг 240 000 000 сўмдан 170 000 000 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Даъволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99893 540-98-89

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Спорт янгиликлари


Муҳаммад Амин олган суврат

СПОРТ ТЎГАРАГИГА ШОШАЁТГАН БОЛАЛАР

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига бораётганимизда онаси билан келаётган, елкасига бежирим спорт сумкаси осиб олган қизалоқ эътиборимизни тортди.

– Ойижон, тезроқ юрайлик, машғулотларга кеч қолмайлик, бугун устозимиз янги элементларни ўргатадилар, – деб онасини шоширди у.

Машғулотларни кузатдик. Болалар машқларни қунт ва иштиёқ билан бажармоқда. Ота-оналар фарзандларининг эпчил ҳаракатлари, соғлом бўлиб улғаяётганидан мамнун бўлиб, уларга ҳавас билан қараб турибди. Бояги қизнинг онасини суҳбатга тортдик.

– Қизим Муслимани уч йилдан бери бадиий гимнастика тўгарагига олиб келаман, – дейди Нигора Юнусова. – Тўгарак бўладиган куни ҳоли-жонимга қўймайди, машғулотга шошади. Қизим олтига кирди. Бўйи-басти ёшига нисбатан баланд, қадди-қомати тўғри ривожланмоқда. Буларни кўриб, Президентимизнинг қизларни спортга жалб этиш зарурлиги ҳақидаги гаплари тагида чуқур маъно борлигини тушуниб етдим.

Ўғил-қизлар 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига доим катта иштиёқ ва қизиқиш билан интилади. Бу ердаги футбол, бадиий гимнастика, бокс, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, белбоғли кураш, волейбол, енгил атлетика, оғир атлетика, қўл тўпи, турон яккакураши, камондан ўқ отиш секцияларида 600 дан зиёд бола мунтазам шуғулланмоқда.

Мактаб замонавий спорт иншоотлари – очиқ футбол майдони, теннис кортлари, катта спорт зали, тиббиёт, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналари, маъмурий бинони ўз ичига олган.

Спорт тўгараклари фаолияти қатъий жадвал асосида ташкил этилган. Ҳар бир гуруҳ мураббийи ҳафтасига уч марта машғулот ўтказади. Машғулотлар жараёнида болалар саломатлиги тиббиёт ходимлари томонидан доимий назорат қилиб борилади.

– Фарзандининг соғлом бўлиб улғайиши ҳар бир ота-онанинг мақсади, – дейди бадиий гимнастика бўйича мураббия Маъмура Мансурова. – Бу жараёнда болаларни ёшлигидан спортга ошно этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда учрайдиган айрим нуқсон ва камчиликларни бартараф этишда спорт энг яхши воситадир. Мисол учун, болаларда учрайдиган сколиоз – умуртқа поғонаси қийшайиши хасталигининг олдини олиш ва даволашда спортнинг, айниқса, бадиий гимнастика ва сузишнинг ўрни беқиёс экани мутахассислар томонидан исботланган.

Мактабда тарбияланаётган ўғил-қизлар жисмонан соғлом, руҳан тетик, ҳаракатчан ва фаол бўлиб ўсмоқда. Айниқса, қизларнинг ўзи севган спорт машғулотларини иштиёқ билан бажараётгани кишининг ҳавасини келтиради. Мазкур мактабда ташкил этилган бадиий гимнастика, енгил атлетика ва камондан ўқ отиш тўгаракларига 200 дан зиёд қиз қатнамоқда.

Мураббийлар шогирдларининг турли спорт мусобақаларида қатнашишига алоҳида эътибор қаратади. Спорт мактаби тарбияланувчилари мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари", "Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи" каби мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритаётир. Мактабнинг байдарка ва каноэда эшкак эшиш, турон яккакураши, белбоғли кураш секцияларига қатнаётган болалар туман, шаҳар ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда шоҳсупанинг энг юқори поғоналаридан жой эгаллаб келмоқда.

Нигора опа қизининг машқларни чаққон ва дадил бажаришини, тенгдошлари билан мусиқага мос ҳаракатлар қилаётгани, энг асосийси, унинг соғлом бўлиб вояга етаётганидан қувонади. Машғулотлар тугагач, Муслима ўз таассуротларини онасига айтишга шошилади:

– Ойижон, бугун мен бир оёқда туриб уч марта айланишни ўргандим, – дейди фахрланиб.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

БОКСЧИМИЗ ПРОФЕССИОНАЛ БЎЛДИ

Ҳаваскорлар боксида катта тажриба тўплаган ҳамюртимиз Хуршидбек Норматов профессионал рингга қадам қўйди.

Истеъдодли боксчимиз профессионал боксчи сифатида биринчи жангини Америка Қўшма Штатларининг Майами шаҳридаги "Buffalo Run Casino" мажмуасида ўтказди.

Хуршиднинг дастлабки рақиби америкалик нокаутчи Ромон Барбер бўлди. Тўрт раунд давом этган рейтинг жангида ҳамюртимиз жуда фаол ҳаракат қилди. Учрашувда зарбалар ҳисоб-китоби билан шуғулланган ҳакамлар бир овоздан ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасининг ғалабасини эълон қилишди.

Биз моҳир боксчимизнинг профессионал боксдаги фаолиятида ҳам омад ва зафарлар тилаймиз.

ШАХМАТЧИМИЗ ВОРОНЕЖДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Россиянинг Воронеж шаҳрида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган халқаро шахмат фестивали ўз якунига етди.

Мусобақада дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан 60 нафардан зиёд шахмат устаси ғолиблик учун куч синашди. Бу галги фестивал дастурига Фишер шахмати, рапид, блиц, "Master open" мусобақалари киритилган.

Беллашувларда мамлакатимиз номидан халқаро тоифадаги спорт устаси Гулруҳбегим Тоҳиржонова, ФИДЕ усталари — Роман Голубев, Улуғбек Тиллаев, Нодирбек Абдусатторов, халқаро тоифадаги уста Шамсиддин Воҳидов, Бобур Сатторов, Бахтиёр Жумаев ва Дилмурод Жабборберганов иштирок этди.

Эътиборлиси, терма жамоамиз вакиллари икки тоифада ҳам совриндор бўлди. Қизлар ўртасида Гулруҳбегим Тоҳиржонова 9 турда 5,5 очко билан турнир чемпионлигини қўлга киритган бўлса, йигитларимиздан Шамсиддин Воҳидов 6 очко билан иккинчи натижани қайд этди.

Россияда старт олган гандбол бўйича йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ўз иштирокини бошлади.

ГАНДБОЛЧИ ҚИЗЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Дунё биринчилигида тажриба тўплашни ўз олдига мақсад қилган ёш спортчиларимиз анча қизиқ ўтган 1-тур ўйинида венгриялик тенгдошларидан мағлубиятга учрашди. Баҳснинг дастлабки бўлимида бой берилган очколар вакилларимизга қимматга тушди. Иккинчи таймдаги мазмунли ўйин орадаги фарқни қисқартирган бўлса-да, европаликлардан очко олиш учун етарли бўлмади.

Таъкидлаш жоизки, илк тур беллашувлари орасида энг қизиқарлиси "В" гуруҳидаги Жанубий Корея ва Бразилия терма жамоалари ўртасида кечди. Муросасиз давом этган қарама-қаршиликда Шарқий осиёлик қўл тўпи усталари 35:34 ҳисобида ғалаба қозонди.

ХАЛҚАРО ТУРНИРДА СОВРИНДОР

Россияда дунёнинг энг сара полвонлари иштирокида эркин кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Эътиборлиси, ушбу мусобақанинг 97 килограммгача бўлган вазн тоифасида ўз омадини синаб кўрган терма жамоамиз аъзоси Магомед Ибрагимов бронза медалини қўлга киритди.

Ярим финалгача йўлни муваффақиятли босиб ўтган Ибрагимов финал остонасида мезбонлар вакилига кичик ҳисобда имкониятни бой бериб қўйди. Бироқ шоҳсупага кўтарилиш учун кечган бел олишувда мезбон давлат вакили устидан қозонилган муҳим ғалаба ҳамюртимизнинг медаллар коллекциясини яна бир бронза медали билан бойитди. Мазкур вазн тоифасида олтин, кумуш ва яна бир бронза медали россиялик спортчиларга насиб этди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Футбол мухлисларига маълумки, куз фаслида Ҳиндистонда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида навбатдаги қитъа биринчилиги бўлиб ўтади.

НАВБАТДАГИ РАҚИБ — УММОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ

2017 йилда футбол бўйича 17 ёшли чарм тўп усталари ўртасида уюштириладиган жаҳон чемпионати йўлланмалари учун кураш қизғин давом этадиган Осиё чемпионатида Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси совринли ўринлар учун баҳслашади.

Июль ойининг сўнгги ўн кунлигида Уммон ўсмирлар терма жамоаси пойтахтимизда икки ҳафталик ўқув-машғулот йиғини ўтказади. Машғулот йиғини доирасида 25-27 июль кунлари Ўзбекистон — Уммон ўсмирлар терма жамоалари ўртасида икки марта назорат-ўртоқлик учрашувлари уюштирилади.

ТАҚВИМДА ЯНА ЎЗГАРИШ

Футбол бўйича олий ҳамда биринчи лига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат XXV миллий чемпионати ҳамда Ўзбекистон кубоги ўйинлари тақвимида яна ўзгаришлар юзага келди.

Хусусан, олий лиганинг 13-тур ўйинларидан ўрин олган "Локомотив" — "Қизилқум" баҳси 28 июлда ўтадиган бўлди. Шу боис ҳам 29 июлда уюштирилиши лозим бўлган "Локомотив" — "Машъал" ўртасидаги Ўзбекистон кубоги чорак финал жавоб беллашуви кейинроқ ўтказилади.

Шунингдек, 5 июль санасида ўтказилиши лозим бўлган "Бунёдкор" — "Металлург" ўртасидаги Ўзбекистон кубоги чорак финалининг дастлабки баҳси 29 июлга қолдирилди. Ушбу жамоалар ўртасида 29 июлда ўтиши лозим бўлган Ўзбекистон кубоги чорак финалининг жавоб учрашуви муддати ҳам маълум эмас.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Долзарб мавзу

ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, айрим мамлакатларда бир қатор хавфли юқумли касалликлар, хусусан, қуйдирги, Қрим-Конго геморрагик иситмаси бўйича вазият мураккаб бўлиб турибди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санитария-эпидемиология муҳити барқарорлигини таъминлаш, юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилаётган доимий эътибор аҳоли саломатлигини асрашда муҳим омил бўлаётир. Айни кунларда бу йўналишдаги чора-тадбирлар янада кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, бош давлат санитария врачи Саидмурод САИДАЛИЕВ бу хусусда ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Мамлакатимизда санитария-эпидемиология хизматини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий техника ва технологияларни жорий этишга қаратилаётган доимий эътибор эпидемиологик барқарорликни сақлаш ва юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлаётир.

Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва тиббиёт муассасалари, санитария-эпидемиология, ветеринария соҳаси мутахассислари, жамоат тузилмалари иштирокида профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар режаси қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда жойлардаги санитария назорати, ветеринария пунктлари фаолиятини янада такомиллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини қатъий назоратга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган илмий-амалий ишлар натижасида қуйдирги касаллиги ва бошқа хавфли юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи табиий ўчоқлар устидан доимий лаборатория мониторинги юритилмоқда.

Бу йил қиш одатдагидан анча илиқ келди. Бу хавфли юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи ҳашаротларнинг кўпайишига замин яратди. Бундай вазиятда ушбу ҳашаротлар яшайдиган ҳудудларда кузатув, мониторинг назорат ишларини кучайтириш, дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишларини тизимли асосда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Олимлар ва мутахассислар арбовирусли инфекцияларнинг этиологияси, эпидемиологияси, эпизоотологиясини ўрганиш юзасидан илмий изланиш олиб бормоқда.

Айтиш жоизки, қуйдирги ва Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиги қўзғатувчиларининг асосий манбалари чорва моллари ҳисобланади Шу боис профилактика чора-тадбирларини аввало чорва моллари ўртасида ўтказиш, ветеринария пунктлари ва лабораторияларининг салоҳиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу вазифаларни бажариш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Чорва моллорини ўз вақтида ветеринария кўригидан ўтказиш, юқумли касалликларга қарши эмлаш йўлга қўйилган. Мол сўйиладиган замонавий қушхоналар, майдончалар барпо этилиб, улар зарур воситалар билан жиҳозланган. Сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, истеъмолчига санитария талабларига мос ҳолда етказиш тизими шаклланган.

Қуйдирги ва бошқа хавфли юқумли касалликларнинг инсонлар орасида учрашининг олдини олиш борасида санитария-эпидемиология соҳаси ва тиббиёт ходимлари томонидан тизимли ишлар амалга оширилаётир. Чегара ҳудудларида фаолият юритаётган санитария назорати пунктларида четдан кириб келаётган хорижий фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Тиббиёт ходимлари ҳушёрлигини ошириш мақсадида жойларда малака ошириш машғулотлари, семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. Бу жараёнда касалликнинг этиологияси, эпидемиологияси, диагностикаси, клиникаси, профилактика ва даволашнинг самарали усуллари юзасидан тажриба алмашилмоқда.

Илмий манбаларда қуйдирги касаллиги бактериясининг спорали шакли ташқи муҳитга ўта чидамли экани қайд этилган. Олимлар унинг узоқ йилларгача тупроқда тирик сақланиш хусусияти борлигини аниқлаган. Ҳайвонлар касалликни тупроқда ётган ана шу споралар орқали юқтиради. Қрим-Конго геморрагик иситмаси чорва молларида учрайдиган каналар орқали тарқалади.

Бундай касалликлар одамларга юққанда, яширин даври бир неча кунгача давом этади. Куйдиргида баданда яра пайдо бўлади. Қрим-Конго геморрагик иситмасида ҳарорат кўтарилиб, баданга тошмалар тошади, заҳарланиш аломатлари намоён бўлади, қон кетади. Бундай ҳолатларда зудлик билан тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш зарур. Уйда ўзи билганича даволаниш оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Шифохоналарда бундай хасталикларни барвақт аниқлаш ва самарали даволаш учун барча шароит яратилган.

Бундай муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш ҳар бир инсондан тиббий маданият ва ўз саломатлигига эътиборли бўлишни талаб этади. Бунинг учун соғлом турмуш тарзига, санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя этиш лозим. Уйларда қорамол боқишда молхоналарни тоза тутиш, гўнг ва бошқа чиқиндиларнинг йиғилиб қолиши оқибатида турли инфекцияларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ҳамда дезинфекция, дезинсекция тадбирларини ўтказиш, ҳайвонларни йилига бир маротаба куйдирги касаллигига қарши профилактик эмлатиш, ҳайвонларда бирор-бир касаллик аломатлари кузатилганда дарҳол ҳудудий ветеринария хизматига мурожаат этиш даркор.

Бугунги кунда аҳолига бу борада қулайлик яратиш ва эпидемияга қарши тадбирларни ўз вақтида ташкил этиш мақсадида туманларда санитария-эпидемиология, ветеринария ходимлари, шифокорлар, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида махсус гуруҳлар тузилиб, улар хонадонларда чорва молларини кўрикдан ўтказиш, ҳудудларда санитария-эпидемиология ҳолатини барқарор сақлаш бўйича иш олиб бормоқда.

Аҳолининг тиббий маданиятини ва ҳушёрлигини ошириш мақсадида маҳаллаларда тиббий тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Мобиль телефонларга ўта хавфли юқумли касалликлардан ҳимояланиш бўйича sms-хабар жўнатиш йўлга қўйилди. Оммавий ахборот воситаларида мутахассисларнинг чиқишлари, махсус кўрсатув, эшиттиришлар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад юқумли касалликлар бўйича маълумот бериш, эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, пировард натижада инсон саломатлигини асрашдир. Бу борада яратилаётган замонавий шароитлардан оқилона фойдаланиш, мамлакатимизда санитария-эпидемиология ҳолати барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бинобарин, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

Баҳор ХИДИРОВА
ёзиб олди

Айни кунларда пойтахтимиз фуқаролари ҳамда меҳмонлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қатор семинарлар, махсус-тактик ўқув машқлари ва бошқа муҳофаза тадбирлари режа асосида амалга оширилмоқда. Хусусан, Шайхонтоҳур туманидаги "Самарқанд дарвоза" савдо кўнгил очар мажмуасида, Яккасарой туманидаги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-сонли академик лицейида, Миробод туманидаги 110-сонли умумтаълим мактабида, Учтепа туманидаги "Журжоний" маҳалла фуқаролар йиғинларида "Тошкент шаҳрида аҳоли кўп тўпланадиган ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

МУҲОФАЗА ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими маҳалла раиси ва фаоллари, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Тез тиббий ёрдам станцияси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежи директорлари, Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги умумтаълим мактаблари директорлари "Самарқанд дарвоза" савдо кўнгил очар мажмуаси ва Тошкент шаҳридаги йирик савдо мажмуалари масъул ходимлари рўйхат бўйича иштирок этишди.

Тошкент шаҳар туманларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларида "Фуқаро муҳофазаси" бурчакларини ташкил этиш, уларни зарур кўргазмали плакатлар, эслатмалар ва ўқув услубий қўлланмалар билан жиҳозлаш, "Маҳалла посбони", "Ёш қутқарувчи" кўнгиллилар клублари аъзоларини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда бирламчи авария-қутқарув ишларини ташкил этишга тайёрлаш, шунингдек, уларни зарур техник воситалар билан таъминлаш ишларини босқичма-босқич амалга оширишга келишиб олинди.

Мазкур амалий семинарларда жами бўлиб 582 нафар иштирокчилар қатнашди. Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасида 1019 дона эслатмалар тадбир иштирокчиларига тарқатилди.

Тошкент шаҳар ФВДТ ҳудудий қуйи тизими хизматларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида жорий йилнинг июнь ойида "Тошкент шаҳрида аҳоли кўп тўпланадиган ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш" мавзусида амалий семинар ўтказилди. Семинар амалий қисмида "Radisson Blu Tashkent Hotel" меҳмонхонасида "Зилзила ва ёнғин содир бўлганида фуқароларни қутқариш, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш ишларини ташкил этишда объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари ҳаракатлари" мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Мазкур ўқув амалий семинарда жами бўлиб 115 нафар иштирокчилар қатнашди. Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасида 214 дона эслатмалар барча тадбир иштирокчиларига тарқатилди.

Азамат СУЮНОВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***13 июль*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 24-26, кундузи — 39-41 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***13 июлда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ